

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ\*


# Ma'rifat

1931 йилдан чиқа бошлаган

2002 йил 3 август, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 60 (7463)



## УЛАРНИНГ БАРЧАСИННИНГ НИЯТЛАРИ ЭЗГУ, ИЎЛАЛАРИ ЧАРОГОН

31 июлдан 1 августга ўтар кечаси. Қайсиdir абитуриент жонсарак бўлиб, ухламасдан чиқади. Яна бири, асабларим дам олиши керак, дея ухлаб, ором олади. Бу – ақлни одамнинг иши, чунки ўз вақтида ўқиб, меъёрида ухлаган киши бардам ва тетик юради. Бошка тоифадаги абитетуринтлар эса шпаргалкани қаерига, қандай жойлаш хусусида бош қотиради. Нима бўлганда ҳам уларда бир истак – олий ўкув юрти тала-баси бўлиш.

Орзишиб кутилган тонгдаги абитетуринтлар оқимини кузата туриб, хаёлингдан шундай фикр ўтади: илм эгаллашга қарор қилган минглаб ёшлар бор

екан, Ўзбекистон гуллаб-яшнайди, туркирайди, ривожланади.

Ўтган куни мамлакатимиздаги барча олий таълим мусасасаларида худди шундай ҳолат ҳукм сурди. Хусусан, пойтахтимиздаги З та олий ўкув даргоҳи – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Ислом университетида бўлиб, тест жараёнининг ўтиши билан қизиккан мухбирларимиз тафсилотини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

Jarayon

3-бетга қаранг

## КҮНГЛИ ТҮЛГАН БОЛАЖОНЛАР

Шовот тумани истироҳат боғида ногирон болаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги вояяга етмаган ўсмир ёшлар билан ишлаш комиссиясининг масъул ходими Н.Мирбобеев сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод тарбиясини ижтиҳатдан олиб борилаётган изчил сиёсат ва бу борада ҳомий ташкилотларнинг ибратли ишлари хусусида тўхталди.

Шу куни ҳоммийлар томонидан ногирон болаларга 23 та маҳсус аравача топширилди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Б.Исмоилов, вилоят прокурори Д.Исроиловлар қатнашдилар.

Маросим иштирокчилари туман маданият уйи санъаткорлари ижросида концерт дастури намойиш қилинди.

Фойиб ЁКУБОВ

Saxovat

## ҚАЙТАРИЛГАН МЕРОС

Бундан бир қанча вақт муқаддам ҳалқимизга тегиши бўлатуриб ўйлар мобайнида чет элларга чиқиб кетган. Ноёб санъат асарларини қайтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида маҳсус комиссия тузилганди. Орадан хеч қанча вақт ўтмай комиссия аъзолари томонидан турли мамлакатлар ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар туфайли, Шарқнинг Рафаэли номи билан машҳур бўлган Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб 126 та миниатюралар хорижда эканлиги аниқланганди.

Кеча 2 август жума куни Республика Бадиий Академиясида Камолиддин Беҳзод қаламига мансуб Миср ва Буюк Бри-

тания мамлакатлари музейларида сақлаётган 61 дона кўхна сурат ва миниатюраларнинг нусхалари ҳамда CD дисклари тасвирилган тасвириларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу ҳалқимизга тегиши мөросларни Олий Мажлиснинг маҳсус комиссияси раиси Н.Иброҳимов Республика Бадиий Академиясида қайтарилигини билан барча йигилгандарни табриклиди. Бадиий

Академия президенти сифатида "қайтарилиган мерос"ларни Т.Қўзиев қабул қилиб олди.

Бу ажойиб тадбир буюк мусавир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига ва янги очилажак "Беҳзод" музейига муносиб түхфа бўлди.

Абдул ҲАМИД



ГАЗЕТАМИЗНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

МУСТАҚИЛЛИК  
ВА МАЊНАВИЯТ  
2-бет

КИМ  
БЎЛМОҚЧИСАН,  
ЗАМОНДОШ?  
4-бет

ТАРГИБОТ  
ЎРНИГА  
БЕПАРВОЛИК  
4-бет

ҲАЖВЧИННИНГ  
ВИЖДОНИ  
ЎЙФОК, ЎЗИ  
ТАЪМАДАН  
ЙИРОҚ БЎЛИШИ  
КЕРАК  
5-бет

АВТОРИТАР,  
ДЕМОКРАТ,  
ЛИБЕРАЛ  
ёхуд бу турдаги  
раҳбарларнинг қайси  
бирининг  
фаолияти самарали  
бўлиши хусусида  
7-бет

SHE'RLARIDA  
O'ZINI BEKITMAYDI  
11-бет

"ПАЛМ  
АКАДЕМИК"  
Фиждувон туманидаги  
62-иктидорли болалар  
мактаб-интернати  
директори Сайд Раҳмоновга ҳамкишлеклари,  
ҳамкаслари ва тани-  
ган-билгандарни кишилар ана  
шундай дея мурожаат  
этишади  
13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР  
Келгуси ҳафта  
теледастурлари  
билин танишинг!

14-бет

ЖЕК ВА УНИНГ  
ДЎСТЛАРИ  
16-бет



# УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИНГ НИЯТЛАРИ ЭЗГУ, ИУДЛАРИ ЧАРОГОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ЭРТАЛАБКИ ХОЛАТ

Соат 7.00 даноқ Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биноси абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжумлашди. Улар учун бугун катта ҳаёт синови. Ҳар бирининг дилидаги оппоқ орзу чексиз ҳаяжон ичра юзларидан балқи турибди. Кечаю кундуз мижжа қоқмасдан китоб варақлаб чиқкан ва толикан дамларининг натижаси шугина уч соат вақт ичда ҳам бўлишини пайқаб, беихтиёр дилларида илтихолик хисси намоён бўлмоқда. Мана, улар ота-оналарининг "Кўрқма болам, ортингда биз турибмиз, Худо йўлнинг очсин, оқ йўл сенга", деган дуоларини олиб алоҳида гурухларга бўлинни саф торта бошлиши. Институтнинг 56 та аудиторияси эса ўз эгаларига мунтазир. Соат миллари 7.30 га қараб силжимоқда. Абитуриентлар бирин-кетин белгиланган ўринларга жойлашмоқда. Кўлларидаги паспорт, рухсатнома ва титул варағи билан бирма-бир текширувдан ўтиб, ракамланган парталардан жой олишмоқда.

Шу тариқа ушбу институтга хужжат топширган 2364



тоби эшилгач, бутун зал жимликка чўмди. Абитуриентларнинг илм-маърифат, ғурур ва нурли ҳаёт учун "курас" и бошланди.

## ГАП БИРИНЧИЛИКДА(МИ?)

Ям-яшил майсалар узрасув заррачалири атрофга сачрайди. Университет ҳовлиси-



нафар абитуриент ҳаётнинг залворли бир синовига шай! Ва ниҳоят назоратчиilar кузатви остида саволлар китобчasi ва жавоблар варақаси келтирилди. Биз 21-гурӯҳдаги 32 нафар абитуриент орасидамиз. Аудитория назоратчilari абитуриентлар Шуҳрат Муродов ҳамда Зилола Қосимовалар гувоҳлигига давлат Тест марказидан келтирилган яшик кутичани очдилар. Ундаги бир-бирига ўхшамаган, ҳар хил вариандаги саволлар тарқатилиб, қандай ечиш ва жавоблар варақасини қай ҳолатда тўлдириш усуллари тушунирилди. Абитуриентларнинг фикризки, бутун диккат эътибори жавоблар варағига қараштирилган. Хоналар шинам, тоза, гала-ғовур йўқ. Идишларда сув ҳозирлаб қўйилган. Соат роппа роса 9.00 да назоратчининг "бошланди" деган хи-

да сокинлик, йўлаклар ҳам ораста. Ичкарида эса ҲАЯЖОН. Турли хил чехраларда у турлича намоён. 9 та гурухга бўлинган 500 нафар абитуриент парталарга мук тушган.

Замонамиз шоирларидан бири "Эҳ нақадар қийинтир биринчи бўлмоқ!" деб шеър битган эди. Чиндан-да биринчиликнинг сурури бошқача. Она замин бағрига биринчи қор тушса қанчалик суюнсак, биринчи фарзанд кувончи ҳам ота-онанинг ёдиди бир умр сақланади.

...Соат тўққизу ўн дақиқа. Шу пайт эшик олдиаги столга уюб қўйилган сумкалар орасидан ўзиникини ажратиб олган хушрўйгина қиз паспорти ва жавоб варақаси билан чиқиб кела бошлади. Юзида табассум, айтидан тест синовида унчалик қўйналмаган

кўринади.

— Янгийўл шахридаги тиббиёт коллежини бу йил битирдими, гарчанд йўналишим мос тушмаса ҳам ички бир куч ундовида мазкур университетга келдим. Она тили ва адабиёти, тарих фанларидан 72 та саволлар ичда ўзим билганиларим, шунингдек қийинлари ҳам бор эди. Дил амрига қулоқ тутиб, жавобларни белгиладим. Бу ёғини пешонамдан кўраман.

Янгийўл туманидан келиб, Тошкент Ислом университетининг диншунослик йўналишига ҳужжатларини топширган Шаҳло Ашурова руҳан тетик, кай-фияти соз. Аммо у талабалар рўйхатида ҳам биринчи бўларми кан?..

Шаҳло Ашурова биринчи бўлиб чиқкан абитуриент сифатида қайд қилинди. Ундан кейин Андижоннинг Булоқбосисидан Нодирбек Ҳакимов, кетидан Шайхонтохур туманидаги 179-мактаб ўқувчиси Дилдора Ибрагимова ва ҳоказо. Ҳар хил сабабларга кўра келмай қолган 8 абитуриентдан ташқари барча тест топширувчилар бирин-кетин аудиторияларни тарқ этишиди.

Дарвоқе, Тошкент Ислом Университети айrim абитуриентлар билан батамом хайрлашгани, аксинча сарларини ўз бағрида олиб қолгани аниқ. Бу ҳозир эмас, фақат бир неча кундан сўнгги на ойдинлашади.

Тест синовига келиб, худди фарзандлари каби имтиҳондан ўтаётгандек ҳолатда ўтирган ота-оналар университет ҳовлисида телевизор кўриб ўтиришади. Ичкаридаги синов жараёни видеотасвир орқали уларга намойиш қилинмоқда. Абитуриентларнинг аудиторияда тест саволларига "кўмилиб", ечим излаб ўтиришлари уларга жинде бўлса-да, таскин-тасалли бериб туради.

Дарҳақиқат, Тошкент Ислом университетидаги тест синовларидан шундай тўхтамга келасиз; айrim абитуриентлар кўнгли тўқ бўлиб кетишиди, баъзиларида иккиланиш кучлироқ, бошқа бирларида гулгула устунроқ. Ҳақиқий ҳолат эса маълум муддатдан сўнг ойдинлашади.

## ШПАРГАЛКА ИМКОН БЕРМАДИ...

Ўзбекистон Миллий университети ўқув бинолари ҳам шу куни абитуриентлар би-

лан лиммо-лим бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, жорий мавсумда университетда бошқа пойтахт олий ўқув юртлари қатори ёмон кўрсаткич қайд этилмади: 6605 нафар абитуриент. — 1685 та ўринга.


Соат миллари 9 га яқинлашганда, барча абитуриентлар ўз жойларини эгаллаб бўлганди. Ҳақиқий ҳаяжонли дамлар... Илк бор имтиҳон варақасини қўлга олганларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Хонада йиғилгандарнинг диққат-эътибори фақат тест саволларида. Зеро, айнан шу дамлар умидвор ўшларнинг бутун ой, ҳатто йиллар давомида қўлган меҳнатининг самарасини намой-

дай деганди: "Тест абитуриент учун тайёр шпаргалка: жавоблари тайин, билганларнинг шошмасдан қоғозга тўғри белгилай олсанг бўлгани, бу ёғи марра сенини". Домланинг бу фикрларини маъқулладим. Ёшлар ҳозир замондан анча илгарилаб кетишгани, тест жараёнида шпаргалкалардан фойдаланмайдиган абитуриентлар топилишига юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Бу фикрга Миллий университетдаги имтиҳон жараёнида яна бир карра амин бўлдик. Эҳтимол, шпаргалкадан фойдаланган абитуриентлар бордир... Бирор, уларнинг синовдан муваффақиятли ўтишига тўлиқ имкон яратилди, деб айта ол-



маймиз. Зеро, тест ўз мураккабликлари билан бундай но мақбулларнига йўл бермайди.

Умид қиласизки, тест фақат билимдон, зукко ва истеъоддли ўшларни саралайди. Зеро, ана шундай ўшлар



Ўзбекистоннинг келажаги учун камарбаста бўлувчилардир. Уларнинг қалбидан доимо байрам бўлсин!

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,  
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,  
Фоур ЖАБИЕВ,  
"Ma'rifat"нинг маҳсус  
муҳбирлари  
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган  
суратлар**

Бу йил мактабни битирган 9-синф ўқувчиларининг олдида келажакда ким бўлсан экан, деган саволга жавоб топиш вазифаси турибди. Аксарият ёшларимиз касб-хунар коллекларида ўқишни давом эттириш истагида эканлиги сир эмас. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида касб-хунарнинг ўрни ва мавқеи катта. Шунинг учун ҳам ёшларимиз бирон бир касбни эгаллаган ҳолда мустақил ҳаётга қадам кўйишни ўзларига мъякул кўрмоқдалар.

Бу борада Жиззах вилоятида ҳам майян ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил академик лицей ва касб-хунар коллеклари жами 6915 нафар ўқувчи қабул қилинади. Бунинг учун ҳозирда 2 та академик лицей ва 32 та касб-хунар коллеки фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчилар ана шу олий ўкув юртларида ўз тажрибаларини ошириб қайтаяптилар. Ана шундай мавқега эга бўлган коллекга бугунги кунда нафакат Жиззах вилояти, балки кўшни вилоятлардан ҳам ўқиш истагида бўлган ёшлар хужжат топшироқдалар.

Жиззах олимпия заҳиралари коллекга бугунги кунда мамлакатимизга иқтидорли спортчилар тайёрлаб бера бошлаган ўзига хос даргоҳ ҳисобланади. Коллежда ҳозирги кунда 601 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўкувчиларга умумталим ва маҳсус фанлардан 61 нафар ўқитувчи-мураббийлар таълим-тарбия бераяпти.

Коллеж талабалари вилоят ва республика спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқдалар. Коллеж ўқувчиси Олим-

— умумий амалиёт тиббиёт ҳамшираси, умумий амалиёт тиббиёт фельдшери, лаборатория ва диагностика хоналари тиббиёт лаборант мутахассислигига ўқувчилар қабул қилинмоқда. Бу йил режа бўйича ана шу йўналишларга 250 нафар ўқувчи қабул қилинади.

— Ўкувчилар касб-хунар коллекларида бир томондан билим кўникмаларини мустаҳкамлаб борсалар, иккичи томондан маълум бир ихтисослик бўйича хунар ўрганидилар, — дейди Жиззах вилоят ЎМКХТ бошқармаси мониторинг бўлими бошлиғи Абдуалим Эргашев. — Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бар-

## ТАРГИБОТ ЎРНИГА БЕПАРВОЛИК

Ҷиззах ишларимиздек, транспорт ва алоқа касб-хунар коллеки вилоятдаги кўхна ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. 2002-2003 ўқув йилида бу даргоҳда 1200 ўқувчи кундузги ва 1120 ўқувчи сиртқи бўлимларда таҳсил олиши мўлжалланган. Бу йил коллекни тугатган 700 нафар ўқувчи ишлар учун ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларига йўллана олдилар.

Янги ўқув йилида 275 нафар 9-синфни битирган ўкувчиларни қабул қилиш режалаштирилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мазкур коллекда малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Коллеж Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан мунтазам равиша ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шартнома асосида

**Бугунги меҳмонимиз ўзбек адабиётига**  
“Икки пуллик обрў”, “Қитиги ўлмаган қиз”,  
“Чол боланинг эртаклари”, “Қирқ учинчи почча”, “Лаби ҳовуз хандалари”, “Чинорлар кўшиги”, “Жигари тўкилди”, “Бир асир ҳикояти” сингари ҳажвий тўпламлари, “Ёлғончи фаришталар” номли сатирик романи, юзга яқин публицистик мақола ва фельетонлари билан ҳисса кўшган атоқли адаб, Ўзбекистон Халқ ёзувчisi Нематилло ҳожи Аминов.

— Устоз, сұхбатимиз бошида кўнглингизни не мулодазалар камраб турибди?

— Очигина айтсан, сұхбатимиз бошлинишида ёзали бир мантиқа рўпара келаётганга ўшаб турибман. Во дарни! Бандаси ҳакиқатдан қочиб кутуломас экан. Қаранг, ҳажва иштади, ёки ҳажвни ва ҳожи. Ислом ақидасига кўра, бу иккала тушунча иккакутуба жойлашгандай. Начораки, тақдир тақдозоси билан бутун умранинг ҳажвиётга бағишлаган, хизмат тақозоси билан айрим нокасларнинг билиб туриб қўлган камчилекларидан, замонанинг ўнқирчўнқир йўлларида ҳалокатга учраб, пешойнаси дарз кетган пачоқ, машинага ўхшаш мунофикарларнинг “Атеистман, лекин алхамдудиллоҳ мусулмонман!” дегувчиларни ҳажв қўлган, айни пайдада ўзи ҳам баъзан шу хил иллатлардан холи бўлмаган бу гуноҳкор бандам-охизни тўйкусдан бирор “ҳожи ака” деб ёзозлаб турганда одамнинг қай аҳволга түшишини бир тасаввур қилиб кўринг. Шундай пайтларда жуда кўп ўйлайман, бошлини зирқираб, юрагим эзилиб кетади. Ёзғанларни бир-бир тарозига солиб кўраман. Шундай ўзимда бир ёруғ тасалли тўйгандай бўламан: хайриятки, ҳажвни танлаган эканман. Иложи борича ёлғондан, таъмдан, зулмдан, ҳаромдан ҳазар қилиб, энг асосийси, худодан кўриб яшаган эканман. Коммунистик мафкура гуллаб яшнаган бир пайдада унинг ташвиқчилари устидан кулиб, айни пайдада юрак ҳовучлаб юрдим... қисқаси, шуро даврида, кейинчалик мустакиллик арафаси, қайта куриш йилларида худодан кўркмаган, адашган бандалар устидан кулишга тўғри келди... Бу бора-даги хатоларим учун ёлғиз Оллоҳдан ўтингим бор, холос. Шояд, беҳисоб тавбаларимни мафират қилас...

— Домла, келинг, сұхбатимизни газетамизнинг анъанавий саволидан бошлайлик. Илк устозларингиз ҳақида гапириб ўтсангиз, Сизнинг адабиётга кириб келингизда улар нечоғли ўрин тутади?

— Устозлар ҳақида гап кетганда мен уларни эслаш билан болаликдаги ширин хотиралар уммонига гарқ бўламан. Сўзнинг курдати, унинг сурхли чироғини мургак онгимда дастлаб отам Уста Амин ва амаким Шукрулло маҳсумлар портлатганлар. Амаким узун қиш кечаларида каттакон меҳмонхонамизда тўплланган қишлоғимиз одамларига “Амир Мусаяб фози” деган жангномани давоми үқиб берардилар. Ҳали мактабга бормасдан, отамнинг кўмаклари билан ҳарфларни танидим. Иккичинчи, учинчи синфларда ёзигина китобхон бўлиб этишдим. Эски, қизил чойхоналарда кўрак чуввичиларга “Гўргўли”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш”, “Қирқ қиз” достонларини үқиб берардим. Сўнг Ойбек, Абдулла Қаххор, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон асарларини ютишиб ўкир, уларнинг мағзини отам билан биргалишиб чакардик. 5-сифда адабиёт ўқитувчиларим Омон Маҳмудов, Жума Шукурловар

ифодали шеър ўқиш бўйича мени туман кўригига тайёрланганини эсимда. Мактабни битиргач, Бухоро давлат педагогика институтининг филология факультетига ўқишига кирдим. Ўшанда єзувчилар уюшмасининг вилюят бўлимига истеъододи шоир Тошпўлат Ҳамид раҳбарлик қилас, яна вилюят партия кўмитаси мафкура бўлимида Анвар Кўчкоров деган киши котиб эди. У дунё кезган жуда маърифатли, ўзбекпараст зиёли бир киши бўлиб, йиғилишларга бевосита унинг ўзи қатнашарди. Илк бор ундан Робиндрнат Тагор, Эренест Хеменгуэй номларини эшитганим. Биз ҳаваскорлар — Жамол Камол, Сафар Барноев, Омон Муҳтор, Максим Каримов, Ғулом Шомуродов ва бошқалар дунё кўрган бу одамнинг ҳикояларини марқ билан тинглардик. Адабиётта кириб келишимиз ана шу даврлардан бошланган десам, хато қилмаган бўламан.

## Mehmonxonha



дош адиблар ҳақида қандай фикрдасиз?..

— Шубҳасиз, истиқол даври адабиёти кундан-кунга янгидан янги шоир ва єзувчilar билан бойиб боряпти. Уларнинг аксари жуда истеъододи ёшлар. Ўз ёшларни ва тафаккурларига нисбатан анча илгарилаб кетганга ўхшайдилар. Уларнинг илҳом булоги қайнаётган давр ҳозир. Уларга ҳавасим келади.

— Мактаб дарслигида бундан бир неча йил мукаддам “Чол боланинг эртаклари” асарингиздан парчалар ўқирдик. Бир куни уйга келсам, отам ўша менинг “ада-

тез-тез алмасиб дабдабабоз, ваъдабоз, ёлғончи, пораҳур раҳбарлар таҳтга келган сари уларнинг оқаваси юқоридан куйига оқавериб оддий фуқаро таркиби ни бузид юборди. Ўша йилларда уч-тўртта ҳажвия ёзид “Муштум”га юборган эдим, ярим йил ичидага кетма-кет босилиб чиқди. “Муштум” мухаррири, ажойиб инсон ва жамоат арбоби Иброҳим Раҳим мени Бухородан ишга чиқириб олдилар. Шу-шу, каттакон дош қозонга тушдим, дам пиширилар, дам қовурдилар.

— Бир неча йил Манъавият ва маърифат маркази раҳбари сифатида фаолият олиб бордингиз. Шундан келиб чиқкан ҳолда сизга савол: ҳақимизнинг маънавияти ва маърифати кай ахволда, агар унинг юзида ўтмиш доғлари қолган бўлса, улардан холи бўлиш учун нималар килмок керак?

— Маънавият юзидағи доғларни фақат ўтмишдан излайман деб хотиржамлика берилмаслик керак. Маънавият шундай бир биллурки, унинг юзида ҳар қандай чанг ва губорлар тезгина кўниб, уни хира тортириши мумкин. Бизнинг катта итогимиз, энг аввало, ҳали мустақилликка тўла эришмасиздан ўзликни англашга эрта киришганимиз бўлди. Коммунистик мафкурадан бизга худосизлик, худбинлик, ич-килибозлик, гиёҳвандлик каби иллатлар, ўзгағоялар, ўзга мағкурлар мерос бўлиб қолган эди.

## Немат АМИНОВ: ҲАЖВЧИННИНГ ВИЖДОНИ ЎЙФОҚ, ЎЗИ ТАЪМАДАН ЙИРОҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Юқорида айтганимдай, адабиётнинг ҳажв жанрини танлаганимга ҳали-ҳали шукур қиласман. Ҳажвларим кимнингдир қитик патига теккана юрагим миз-миз оғриса-да, бошимда таёқ синиб, “корам ўчирилган” кунларда ҳам кулгини, ҳажвини тарк этмадим. Шундай пайтларда менга дилбординг қилас, Ҳамид ақада, Озод ақалардан миннатдорман.

— Дарвоқе, кексалик гаштими суратига ўзбекистон ҳақ єзувчиси, ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ҳаётингизда нечоғлик из колдирган?

— Бундан ўттиз беш йилча олдин Саид Аҳмад ақа саратоннисигида мени излаб Бухорога борган. Шундан бери устозшогирд, пиру муридмиз.

Ҳажвнинг кўпгина сирларини у кишидан ўргандим. Ҳозир оқсоқол Дўрмондаги боғларида умроздаронлик қиладилар. Тез-тез ёнларига бориб тураман. Кечакордан “Қалай, оқсоқол, кексалик гаштими суратига ўзбекистон Ҳаётингизда нечоғлик из колдирган?” деган сўрасам, “Суришу юриш қаёда дейсан, ўлгур оёқларим юролмай, ўтириб қолдим”, деди нолиб.

“Сиз оёқни бизга кўйиб беринг, ҳозир Сизга калла керак! Каллангиз эса зўр ишлайди, шунинг учун оғингизга дам берган. Бизнинг қовоқ ўлгур ишламагани учун нукул оёғимиз юргургани, юргурган, деб қўнгилларини кўтариб кўйдим.

Оқсоқол билан кўпгина яхши ёлғон кувноқ дамларни бирга ўтказганимиз.

— Бугунги ёш адиблардан кўнглингиз тўладими? Тенг-

бийётимдаги“ “Чол болани” ўқиб ўтирган экан. Ҳазил тақиқасида отамга: “Катталар ҳам эртак ўқийдими?” десам, у киши бир қараб, бу эртак эмас, деганча ўқишида давом этди. Бу гапга ўша вактда тушунмадим, энди эса... Домла, ўз бағрига улкан дардларни яширган ўша “Эртаклар”ни ўзишига турткি бўлган нарса нима эди?

— Дарҳақиқат, отангиз тўғри айтган эканлар, улар эртак эмас, унда ҳеч кимга айттолмаганим, ичимга сифидиролмаганим, дардларим ёзилган. Масалан, унвон-параст подшо мисолида Брежнев сиймоси ёритилган бўлса, “тентак подшо” мисолида Хрушчев сиймоси ёки “Вафодор” номли эртакда золим подшо Стalin ва унинг гумаштларининг протатипи берилган. Бунга турткি бўлган нарса эса, собиқ СССР тар-қалиши арафасидаги онгимдаги ўзгаришлар эди. Буларни эртак қилиб ўзишимга сабаб ўша вактда бу гапларни эртакдан бошқа жанрга сифидирбўлмасди. Шарқ эртаклари услубида ёзилган бўлса-да, улардаги воқеалар ҳаммага таниш замонавий, кулгили ҳалқилатиғалардан иборат эди. Уни ўқиган бола дастлаб эртак сифатида, вакт ўтиб улғайгани сари, мазкур эртакларнинг асл мазгани чақиб, улардаги тарихий мөҳиятга тушуна боради. Буни биргина ўзингиз мисолида ҳам олишингиз мумкин.

— Биринчи ўзган ҳажвияларингизни эслай оласизми, унинг ўзишишига нима турткি бўлган эди?

Шуро даврида подшохлар

Биз ўша машъум тузумда отага кўл кўтарганинни, падаркушларни, худони инкор кўнгларнинг ҳаҳрамон даражасига олиб чиқдик. Чунки ўша вактда бизнинг онгимиз ўйғоқ эмасди.

Мустақиллик йилларида ана шу иллатларга барҳам берилди. Ўз мағкурамизни, ўзғоямизни топдик. Оллоҳни танидик, тилимиз ва динимизни танидик. Унтаёзган аждодларимизнинг номлари тикиланди, тарихий обидаримиз-қайта чирой очди. Мана орадан ўн бир йил вақт ўтди. Бу вақт мобайнинда маънавият ва маърифат соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Аммо, барбири камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ўтмишдан қолган додлардан бири иччиликбозлик десам муболага бўлмайди. Бугун ўзбекнинг давраларида иччилик бўлиши расмий ҳолга айланаб қолди. Бу бегона одат. Бу одат ўтмиш доғи. Йигирманчи аср бошларида Фаронага келган бир рус аёли кўча четида бехуш ётган бир кишини кўриб масть деб ҳайрат билан “Ё тавба, мусулмонлар ҳам ичишарканда”, деган экан. Рус истилосидан аввал иччилик мамлакатимизда бунака тус олган эмас. Иччиликнинг ҳар кишини кўйиб кетардиган.

— Домла, ҳажвчи сифатида нимадан кўрқасиз?

— Ёлғон ўзишидан кўрқаман. Отам раҳматли Уста Амин менга ҳамиша бир гапни айтардилар: “Ёлғон гапирима, ёлғончи Ҳудонинг душмани”.

— Ёшларга қандай масла-

## ҳат берган бўлардингиз?

— Аввало, ота билан она дуосини, кейин билим олишини пайсалга солмаслини, умр бўйи элорддан қарғиш олимаслини маслаҳат берган бўлардим.

— Сизнингча, ҳажвчи, фельтончи қандай бўлиши керак?

— Абдулла Қодирий айтган: “Ҳажвчи, єзувчи, фельтончи таъмадан йироқ бўлиши керак”. Мен хам шу фикрдаман. Фақат уларнинг сафига шу кунлардаги айрим таъмагир, сайдор қаламкашларни ҳам киритган бўлардим. Назаримда, иқтисодий қийинчиликлар айрим имони суст журналистларга ёмон таъсир этгандаги ўхшайди.

— Саид Аҳмад домла билан бўлган қизик-қизик ҳангомаларингизни кўп эшитганимиз. Муҳлислар учун аввал айтилмаган бирорта янгисидан эшитсан.

— Янгисиданми? Хўп, келинг янгисидан бўлса бўлақолсин. Бундан ўттиз беш йил аввал устоз билан Шофириёнинг Денов қишлоғига бир тўйга борганимиз эсимда. Иккя гектар майдонга стол-стул терилган. Тўйхона гумбур. Жилвон шамомли хур-хур эсиги турбиди. Тўрда ўстоз ўтираб ўтирадилар. Атрофда шогирдлешалар гирди капалак. Жингалак соч давра раиси камоли эҳтиром билан сўзнинг елкасини келтириб ўстозга мікрофон тутди.

“Азиз бирордлар! Шундай бир салқин, фарахли оқшомда ўтаётган бундай ажойиб тўйни умримда камдан-кам кўрганман. Осмондаги чаман бўлиб чаралётган ўлдузларга бир қаранг, бу хил афсонавий тўлин ойни яна қайси осмонда кўргансизлар! Жилвон чўлидан эсиг, қизжувонларининг ёнгидан кириб ёқасидан чиқаётган шамолларга ҳавасим келиб турбиди. (Кулги янгради). Умуман бирордлар, шу Денов қишлоғига ҳавасим келап яштади.

Истагим, шу қишлоқда туғилиш бўлсан, ўлим бўлмасин! (Бутун тўйхонада чапак янгради). Ҳар куни тўй бўлсан, аза бўлмасин! Умуман шу қишлоқда сирайм ўлим бўлмасин! Гўрков иш тополмасин! (Тўйхонада кийқирик, чақавозлик бўлиб кетди) Э, борингки гўрков нон тополмай, хор бўлсан.

Устоз тўйхонадагиларнинг чақавозликларидан бир қон симандаридан жойларига бориб ўтирадилар. Эртаси кечки реис билан

# ХОНАДОН БОГЧА - ЖОНАЖОН БОГЧА

"Мироқида ташкил этилган хонадон боғчаларида кичкитойларга ўзбекона қадриятлар асосида тарбия бериләтириш". Бу хушхабар бизни Шаҳрисабз тумани Мироқи кўргонига етаклади.

Хуллас, анча-мунча йўлларни ортда қолдириб гўзал Мироқи кўргонига ҳам етиб келдик. Ва "Чарос" мактабгача таълим мусасаси тасарруфидаги Мунааввар Нажмиддинова уйида ташкил этилган хонадон боғчага ташриф буюрдик.

Тарбиячи опа Гулнорахон Хамирова бешик тебратиб алла айтаяпти. Бири-биридан ширин катта-кичик 6 нафар кичкитой эса алла эшигтанча, гулдор курок кўрпачалар устида ўтириб, хонтахтага энгашган ҳолатда бешик суратини чизишга уринишайти.

— Бу — Аброржон, тарбияланётган фарзандларимизнинг энг кичкинаси хисобланади. Уни бешикда ухлатиб оламиз. Аброрни бешикка белайману алла айтсан, бирпасда ухлаб қолади.

## Maktabgacha ta'lim

Бинобарин, ўзбек учун хонадон қанча қадрли бўлса, бешик ундан-да қадрлироқ. 7 нафар кичкитой учун ухлаш, машгулотлар ўтиш, овқатланиш хоналари ҳам ажратиб берилганки, улардаги мавжуд телевизор, радио, аудио ва видео магнитофонлар тўлиқ болажонлар ихтиёрида. Шунингдек, хонадон боғчада сайроқи қушлар парваришланиши, биноидек кутубхона, Ўзбекистон бурчаги ташкил этилгани кишини қувонтиради. Мусика машгулотлари учун дутор, доира ва бошқа чолгу асбоблари ҳам мавжуд.

— Егуликлардан тақчиллик йўқ, — дейди Гулнора Хамирова, — болаларимиз ҳар куни эрталаб сутли таомлар танаввул қилишади. Шакар, гўшт, тухум — ҳамма нарса бор...

Дарҳақиқат, ушбу хонадон-боғчадаги куляйликлар бизга ҳам ёқди. Кичкитойлар эмин-эркин ўсмоқдалар. Хоҳлашса уй ичиди, хоҳлашса ҳовлида ўйнашиди.

— Кизим Азиза Элмуродова мана шу масканда тарбияланяпти, — дейди ўқитувчи Сайёра Орзиқулова биз билан сухбатда. — Мен учун хонадон-боғча маъкул. Негаки, бу ердаги шарт-шароитлардан кўнглим тўй.

Сўнгра, Наргиза Санаева хонадонида боғчага ҳам ташриф буюрдик. У ерда тарбиячи Жамила Шомирзаева 7 нафар кичкитойга илму одоб ўргатаяпти. Унинг боғчаси ҳам Мунааввар опа хонадонидагидан қолишмайди. Чунки у ерда кичкитойлар учун одатий боғчалардагидан кўра қуляйроқ шарт-шароитлар яратилган.

— Кизим Нодирани Наргиза опанинг хонадон-боғчасига бердим, — дейди Шоира Суюнова. — Буларнинг шароитлари яхши, қишида ҳам хоналар иссиқ. Айниқса, тажрибали Жамила Шомирзаева, болалардаги иқтидорга алоҳида этибор беради. Бу жой яхши, бешик, беланчак ҳам бор. Уй-рўзгор шароитида бола яхши тарбия олади...

Дарҳақиқат, этибор билан кузатилса, хонадон-боғчаларнинг афзалликлари кўпга ўхшайди. Энг муҳими яна ўша гап. Хонадон-боғчаларда ҳақиқий ўзбекона тарбия бериш учун имкониятлар кўпроқ.

— Мана, шу 2 та хонадон-боғчани озиқ-овқат ва керакли адабиётлару жихозлар билан таъминлаб турибмиз, — дейди "Чарос" мактабгача таълим мусасаси раҳбари Сафаргул Юсупова. — Ота-оналаримизнинг бу турдаги боғчаларга бўлган ишончи тобора ошиб бораяпти. Биз эса ўз навбатида ички имкониятларимизни ишга солиб фаолиятимизни янада кенгайтираверамиз.

Абдували ОБИДДИН,  
"Ma'rifat"нинг маҳсус мухбири

Ёшлар етук мутахассис бўлишни хоҳлайдилар. Янги замонавий технологиялар эса бу йўлда уларга энг муҳим воситадир.

Президентимизнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони асосида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, масофавий

рилмоқда. Бу борадаги амалий ишлар натижаси ўлароқ, СОРОС жамғармаси Очик жамият институти томонидан эълон қилинган танлов гранти қўлга киритилди ва катта миқдордаги бу маблағга компьютер ва ахборот технологиялари олинди. Шу асосда институтда "Ахборот-маслаҳат маркази" ташкил этилди. У Фарғона водийсида жойлашган олий ўқув юртларида талабалар, ёш олимлар, магистрант, аспирант,

ўқитувчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланмалари, кўп тилли луғатлар, монографиялар марказ тингловчилари фойдаланиши учун чоп этилмоқда. Дарслик, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнларининг электрон шакллари базасини яратиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режа ишлаб чиқилган. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки,

Институттада чет (инглиз, немис, француз, рус) тиллар бўйича педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб тажриба тариқасида "Ўзбекистон тарихи", "Социология", "Сиёсатшunoslik" ҳамда "Иқтисодиёт назарияси" каби фанларни, ўрганилаётган хорижий тилларда олиб бориш режалаштирилди. Бу эса малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ёрдам беради, ал-

# КОМПЬЮТЕР ОРҚАДИ ЖАҲОНГА

Farmon va ijro

ўқитиш дастурини йўлга қўйиш билан бўғлиқ масалаларга давлат томонидан катта эътибор бериладиган. Шу асосда институтда "Ахборот-маслаҳат маркази" ташкил этилди. У Фарғона водийсида жойлашган олий ўқув юртларида талабалар, ёш олимлар, магистрант, аспирант,

докторант ва профессор-ўқитувчиларга хизмат кўрсатиб, ахборот алмашинув во-ситалари (интернет, электрон почта, мультимедиа)дан фойдаланиш сирлари, дастурлар тузиш, масофавий таълимни ташкил этиш бўйича тавсия ва маслаҳатлар бермоқда.

Хозирда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларда таълим соҳасида кенг қўлланилаётган ва синовдан ўтган педагогик технологиялар Ўзбекистонда ҳам кадрлар тайёрлаш билан бўғлиқ бўлган энг муҳим масалаларни ҳал қилишга хисса кўшмоқда.

Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантиришга Чўлпонномидаги Андижон Давлат тиллар педагогика институтидаги ҳам катта аҳамият бе-

дилар бермоқда.

Марказ қошида кичик босмахона, нусха кўпайтириш воситалари ҳам мавжуд бўлиб, унда профессор-

электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш билан машғул бўлган олимларга маҳсус дастур асосида ўқув семинарлари ўютирилиши лозим, чунки уларга айрим ҳолларда зарурӣ билим ва маълуматни ташкил этишни яхшилашдан иборат.

Вилоят миқёсида тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг янги таълим технологияларига асосланган машғулотларини видеотасма, компакт диск ёки аудиотасмаларга ёзиб олиш ва уларни қобилиятли талабалар ва ёш мутахассисларга масофавий канал орқали узатишни, кутубхоналарга етказиб беришни ташкил этиш якъин келажакда ўзечимини топади.

**М.АБДУВАЛИЕВ,**  
Андижон Давлат тиллар педагогика институти ўқув, илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори, доцент **Ш.АЛИМОВ,**

"Инглиз тили фонетикаси ва методикаси" кафедраси мудири, доцент

# ЛИЦЕЙМИЗ — ФАХРИМИЗ

Ривожланган давлат куришда иқтидорли, билимли, аниқ бир мақсад сари интилувчан ёшларнинг ўрни алоҳида. Хозирда бундай ёшларни камолга ўютиришида Алишер Навоийномидаги Республика Нифис-санъат лицейи ҳам муҳим хисса кўшиб келмоқда.

Бугунги кунда ушбу билим даргоҳида ўқувчилар олти йўналиш бўйича малакали

G'urur

педагоглардан таҳсил олмоқда, соҳанинг сир-асрорларини кунт билан ўрганишмоқда. Лицейимиз — мустақиллик йилларида янги, замонавий биноларга эга бўлди ва ўқув хоналари барча керакли техника воситалар билан жихозланди. Лицейда ўқувчилар учун замонавий кутубхона, кулагай спорт зали, шинам ошхона мавжуд.

Ўқувчиларга билим бериш билан бирга, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда. "Маънавият ва маърифат" хонаси эса доимо гавжум. Шунингдек,

"Истиқлол учқунлари", "Соғлом авлод" спорт тўғараклари ҳам ўқувчилар билимини оширишда, ҳам уларнинг жисмоният соглом бўлишларидаги катта аҳамият касб этмоқда. Билим масакнида ўтказилаётган турли фанлар бўйича олимпиадалар, кўрик-тандловлар, спорт мусобақалари эса биз ўғил-қизларни ҳар томонлама баркамол бўлишга унダメоқда.

Лицейда ташкил этилган компьютер саводхонлиги биз ўқувчиларни замонавий техникага бўлган қизиқишиларимизни яна бир карга ошириди. Албатта, бундай иқтидорли болаларни ўютиришида ўз билими ва тажрибаларни аямаётган устозларимиз Ф.Султонов, А.Тожиҳўжаева, С.Азимова, З.Сайдазимова, И.Зокирова, М.Каримова ва бошқа педагогларнинг хиссаси катта бўлмоқда. Барча шароитлар мухайё ётилган ушбу билим даргоҳида билим олаётган ёшлар, келгусида мустақил юртимиз равнақига ўз хиссасини кўшишига шубҳа йўқ.

Шахноза ОЙДИНОВА,  
лицей ўқувчиси



Миллий қадриятлар инсоннинг ота-боболари ҳаётидан дарак беради. Зоро, ўзбек халқининг ҳам ўзига хос қадриятлари борки, улар қадим вақтлардан бўён авлоддан авлодга ўтиб, бизгача етиб келди. Ҳусусан, биргина хунармандчилик доирасидаги ёғоч ўймакорликлари санъат даражасига етгани кишида ўзбек миллати билан фарҳанлиш хиссисин ўйғотади. Бугун Зангигута туманинда ижодиёт марказида ана шу ўлмас меросимиз ёш авлодга ўргатилмоқда.

Бурхон Ризо олган сурат.

## ХАМ ТАРБИЯ, ХАМ ҲУНАР

Донишмандларымиз ёшликда олинган билимни бежизга тошга үйилган нақшга қиёслашмаған. Чунки ёшликда ҳар бир инсоннинг зекени үткір, бир күрган нарасасини эслаб қолиши қобилияты күчли бўлди. Шунинг учун болажонга боғчада юрган вактиданоқ ўқиш-ёзиши, арифметик амалларни, расм чизишини ўргатдилар. Ҳозирга келиб жаҳон ҳамжамиятия тез ривожланаётган бир пайтда мана шу магуслар ёнига хорижий тиллар ва компютер сабоқларини ўргатиш ҳам кўшилмоқдаки, бу кувонарли ҳол, албатта.

Бугун пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳалқ, тъълими бўлимига қарашли “Гулдаста” номли 124-мактабгача тъалим муассасасида ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, мактабгача ёшдаги болалар тъалим-тарбиясига кўйиладиган давлат талаблари, Кадрлар тайёрлаш миллый дастурининг 2-босқичи бўйича, “Учинчи минг ийлилкнинг боласи” таянч дастури доирасида амалий ишлар килинмоқдаки, буларнинг замирида баркамол авлодни шакллантириш мақсади мушсасам. Айни вактда мазкур мақсади муассасанинг тайёрлов гуруҳидаги болажонларни мактабга “учирма” қилиш бўйича тайёргарлик жараёни кетмоқда.

Шунингдек, мазкур боғчада кичкитойлар миллый қадриятларимиз доирасида зардўзлик сирларини ўрганиб, мустакил тикишин машқ килиммоқдалар. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида ҳунарли, билимли, ҳаракатчан қишигини на яхши яшайди, ўз ватанининг равнақига муносиб хисса қўша олади. Бир сўз билан айтганда, “Гулдаста” жамоаси ана шундай олий мақсадларни кўзлаган ҳолда иш олиб бормоқда.

**Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.  
Б.Ризоқулов олган суратлар.**



Бошқарув тизимини мустаҳкамлаш зарурати сезилиб турган буғунги кунда раҳбарлар фоалияти foғtida мухим аҳамият касб этади. Хўш, раҳбар ким, унинг етакчилик фаолияти нималардан иборат?

Раҳбар жамоанинг манфаатларини кўзловчи, уларни қийин вазиятлардан олиб чиқувчи ва рагбатлантирувчи, кези келса жазоловчи, ишнинг тартиби бажарлишини, гурухнинг тинчлигини тъминловчи, жипслигини сакловчи, масъулиятли, сабр-қаноатли, ҳақгўй, юрт манфаатини ўйлайдиган, нуфузга, обрўга эга

жихатдан таъсир қилиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шунингдек, камчилкларга нисбатан кечиримли бўлиши, адоват ҳиссисидан йироқ бўлиш, ходимнинг иззат-нағасини ерга урмаслик, жазолашга ҳеч вақт шошилмаслик, хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини оқилона ўрганиб чиқиши ҳам раҳбарга хос асосий хусусиятлардир.

Ижтимоий психологияда раҳбар тушунчasi илмий, оммабоп тушунчча бўлиб, унинг услублари учга бўлиб ўрганилади.

Авторитар раҳбар ўз иш фаолиятида жуда қаттиқўл, ўта фи-

демократ раҳбар эркинликни, ҳақиқатни, конунни, тартиби биринчи ўринга кўяди. Бу раҳбар топширик беришдан олдин одамларнинг индивидуал хусусиятлари ва шу ишга майиллигини ҳисобга олади. Топширик, буйрукларни асосан маслаҳатлашиб, таклиф тарзида беради. У жуда самимий, очиккўнгил, тартибга риоя қиласидан, дўстона муносабатда бўладиган демократ шахсдир. Йигилишларда ходимларга эркинлик берилади ва улар ўзларининг фикрларини, таклифларини мустакил ифода этиш ҳукуқига эга бўлишади. Раҳбар-

ни амалга оширади. Кўп ҳолларда бу жамоада норасмий лидерларнинг раҳбарлик лавозимига қиших ҳоллари учрайди.

Раҳбар расмий лидер бўлганилиги туфайли унинг типлари кўп жихатдан шахснинг етуклигига боғлик, бинобарин, универсаллик, кенг қамровга эга бўлишлик унинг пухта руҳий муҳит, чексиз ижобий бошқарув имкониятига эга эканлигидан далолат беради. Унинг иш услублари ичидан биттасининг устуорлиги меҳнат маҳсуланинг самарадорлигини оширишга ёки камайтиришга олиб кели-

## ЧУЖМОЖ БОЛАЛАРИ МАЖМАУ

Бу иш Амударёда сув мўл бўлиши иккى-уч иш сув танқислигидан қийналган қорақалпоғистонликларни ҳам кувонтириб юборди. Қадимий Жайхуннинг яна жўшиб оқабошаши деҳқонларнинг, чорвадорларнинг – барча-барчанинг қалбларига жўшкінлік, әртаниң кунга ишонч бағишлади.

Тахтакўпир тумани “Жангадаре” ширкати ҳўжалиги марказига жойлашган 1-республика чўпон болалари мактаб-интернатига бўлганимизда шунга ишонч ҳосил қўлдикки, сувнинг мўллиги бу ерга ҳам алоҳига кўтарилик кайфиятни юзага келтирган. Авваллари сув етишмаслигидан мазкур тъалим-тарбия маскани ихтиёридаги экин майдонлари экилмаётган бўлса, энди ахвол анча ўнгланган. Хўш, чўпон болаларига шароитлар қандай яратиб берилган, мактаб-интернат жамоаси янги ўкув ўилини қай тарзда кутуб олмоқда?

Шу хусусда муассаса директори Ортиқбой Ўтешовдан билиб олдик.

— 1993 йилда очилган иккى қаватли мактаб-интернатимиз ўқувчиликнинг 102 таси қиз, 144 таси ўғил болалар бўлиб, уларнинг аксарияти чўпонларнинг фарзандларицидир.

Ўтган ўкув ўилини яхши якунлаган ҳолда янгисини муносиб тайёргарликлар билан кутуб олиши жамоанинг мұхым вазифаси эканлигини унинг ҳар бигр аъзоси юракдан ҳис қиласи. Янги ўкув ўилида фан тўғраклари ва футбол, волейбол, енгил атлетика каби спорт тўғраклари фаолияти янага яхшиланади.

Шунингдек, Абат Майдибов раҳбарлик қилдётган бадиши ҳаваскорлар дастаси чорвадорлар болаларининг зерикишига йўл қўймайди. Дўмбираға ҷалинганд шўх кўйлар болаларни гўё Қизилқум яйловлари кенгликларига етаклагандай бўлади. Овқатланиш борасида ҳомий ташкилотлар “Жангадаре” ширкати ҳўжалиги гўшт, сут маҳсулотлари, Тахтакўпир матлуботчилар ҳиссасорлик жамоаси нон, ун, макарон, ўсмилек ёғи, шакар, печенье, сариёф, компот каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан тъаминашга катта ҳисса кўшмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитига мослашиб бораётган мазкур мактаб-интернатда тикувчилик цехи фаолият кўрсатаяти, 1 та транспорт воситаси аҳолига пуллик хизмат қиласи.

